

**ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШДА – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎРНИ****Саидов Миёнфарух Рабиуллаевич**

ИИБ Академияси “Тезкор-қидирув

фаолияти” кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574980>

Аннотация. Мақолада экстремизм ғояларига қарши курашда экстремизмнинг профилактикасини амалга ошириш ва ташкил этишда бугунги кун ислохотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини мазмунан ёритиб беришда давлат органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари томонидан ёшлар орасида экстремизмга қарши курашишни олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий, тарбиявий чора-тадбирлари ёритилган.

Таянч сўзлар: Терроризм, экстремизм, халқаро терроризм, ёшлар, маънавий-маърифий, тарғибот, Интернет ахборот тармоғи, ахборот-коммуникация технологиялари, ғоя, мафкура, тарбия.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб келмоқда. Тинчликни сақлаш, уни мустақкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро, аввало, ўз вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга, ғаразли мақсадда қилинаётган информацион хуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида ўтказилган анжуманда "...мен сизларга, барча дин аҳлларига, жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман: юртимизда тинчликни, осойишталикни сақлашда бизга ёрдам беринг. Агар маҳаллангизда бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболаринг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан инонтириш керак. Бундай тарғибот, бундай ташвиқот сизларнинг қўлингиздан албатта келади."² деган сўзларининг ўзидан

* *Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси.*

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ.// Тинчлик учун курашмоқ керак. 2001 йил 10 октябрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида ўтказилган анжумандаги нутқидан.

экстремизмга қарши курашиш қанчалик долзарб масала эканлигини кўришимиз мумкин.

Экстремизмнинг профилактикасини амалга ошириш ва ташкил этиш аваламбор давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида экстремизмнинг профилактикасини амалга оширувчи Давлат хафвсизлик хизмати, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа органлар эса бу соҳадаги давлат сиёсатини бевосита амалиётда татбиқ этадилар. Ҳозирги вақтда экстремизм профилактикасининг муаммолари давлат ички сиёсатининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Шундай экан, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоғи лозим.

Республикамиз ўтган йиллар мобайнида нафақат сиёсат, иқтисодиёт борасида, балки ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятда демократик тамойилларни қарор топтириш ва таълимни ислоҳ қилиш борасида улкан ишларни амалга оширди.

Мамлакатимизда ёшларнинг тегишли мутахассислик, ҳунар ва касбларни чуқур эгаллашлари билан бир қаторда, уларнинг дунёқарашини миллий истиқлол ғояси асосида шакллантириш, мустақил фикрлайдиган, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойилик кўрсата оладиган комил инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда.

Шундай экан, тўғри тарбия ўз олдига боланинг қобилиятини йўқ қилиб ташлашни эмас, балки ҳар томонлама ривожлантиришни, унинг иродасини, характерини мустаҳкамлаш вазифасини кўяди.

Бугунги кунда қўшни Афғонистон ёки Яқин шарқ мамлакатларида содир бўлаётган қонли урушлар, қирғинбаротларни кўриб хулоса чиқарган ҳолда яшашимиз, мана шу буюк заминимизни ҳар қандай ташқи кучлардан асрашга доимо тайёр туришимиз, тинч осойишта ҳаётимизни қадрига етиб яшашимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Фуқароларимизни, айниқса ёшлар ва вояга етмаганларни турли ёт ғоялар жумладан, диний экстремистик ғоялардан жиноий фаолиятларидан асраш - ўта муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ва ёшларни ҳуқуқбузарлик содир этиши, турли салбий таъсирларга кириши ҳар қандай жамиятда, балки ривожланган давлатларда ҳам энг катта муаммодир. Чунки, ҳали ўзини тўла бошқара олмайдиган, содир этган ҳатти-ҳаракатининг моҳиятини тушуниб етмайдиган ёшлар атроф-муҳит, ижтимоий воқелик таъсирида ҳуқуқбузарликлар содир этиши, оғир жиноятларга қўл уриши мумкин.

Халқимизда “Касални даволашдан унинг олдини олиш осон” деган чуқур маъноли нақл бор. Шундай экан, бугун биз болаларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги, айрим ҳолларда ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг бола тарбиясига бўлган бефарқлиги, катта ёшдаги шахслар томонидан болаларни ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилиш ҳолатларига барҳам беришга барча имкониятларимизни сафарбар қилишимиз даркор.

Мамлакатимизда ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда соғлом авлодни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош асамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида ўз ифодасини топ ган бўлиб, юртимиздаги янгиликлар, янги ташқи сиёсат нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди. Мазкур маърузада Президентимиз глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда асосий бойлигимиз, келажагимиз бўлган ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва ҳамда амалга оширишга қаратилган БМТнинг “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”сини ишлаб чиқиш таклифини ўртага ташлади. Зеро, бугунги кун ёшлари сон жиҳатидан инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, 2 миллиардни ташкил этмоқда³. Афсуски диний экстремизм ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётган бир пайтда муаммонинг сабабларини бартараф этиш ўрнига унинг оқибатларига қарши кураш билан чекланилмоқда. Шу сабабли одамлар, авваламбор, ёшларнинг онгу-тафаккурини маънавият ва маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш бугунги кунда энг муҳим ва энг долзарб вазифадир.

Мамлакат раҳбари томонидан ички ишлар органларининг олдига қолаверса, жамоатчилик вакилларига вояга етмаганларни ва ёшларни таълим олишларини жойлардаги таълим муассасаларининг ўзида ҳар куни назорат қилиб бориш, уларни таълим олишига қизиқтириш ва таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган вазифаларни бериб келмоқда.

Экстремизм ҳар доим салбий ҳолатларни келтириб чиқарган, унга қарши курашнинг янги усул ва шакллари ишлаб чиқиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Экстремистик йўналишдаги оқимлар ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида муқаддас “Исломи” динидан фойдаланишмоқдалар. Улар кўпроқ тинч аҳолини қўрқитиш, ҳар-хил фитналар уюштириш орқали ўз ғояларини сингдирмоқчи бўлади. Шунинг учун, ҳозирги даврда экстремизмга қарши курашишнинг янги тактик-ташкилий усулларини ишлаб чиқиш билан бирга, унинг профилактикасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурдир.

Экстремизм ҳеч қачон эзгуликка қаратилган эмас, аксинча ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши ишлатилганлиги учун энг оғир ва вахшиёна жиноят ҳисобланиб келинган. Ёшларимизда ёт ва зарарли

³ О.Мухаммаджонов. Тинчлик ва барқарорлик йўлида ҳамкорлик. // QALQON. 2018-yil 3-son.

ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгида бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир.

Шу нуқтаи назардан ёшларни, айниқса диний экстремистик оқимларга мансуб ва мойил шахсларнинг фарзандларини диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда “Ватанпарварлик” руҳида тарбиялаш, улар билан профилактик тарбиявий тадбирлар ўтказиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтларда экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш долзарб муаммолардан бирига айланди. Чунки, бу жараёнларни ўзининг бошидан ўтказган Ўзбекистон халқи бунга гувоҳдир. Унинг мудҳиш оқибатлари натижасида қанчалаб бегуноҳ одамлар, вояга етмаган гўдаклар, ҳимоясиз кишилар қурбон бўлди. Ҳозирги вақтда жамиятга бўлган хавфи жуда каттадир. Экстремизмнинг яна бир хавfli томони шундаки, бу йўлга ҳозирги пайтда кўплаб вояга етмаган ёшларнинг ўзи билиб ёки билмаган ҳолда қўшилиб қолаётганлигидир.

Бугунги кунда экстремизмга қарши курашда хориж тажрибаси ўрганилганда Буюк Британияда маърифий ишлар олиб борилмоқда бу йўналиш масалан, уюшган иш Интернет сайтининг қайсидир саҳифаларида Россия қонунчилигидаги бўшлиқлар, Сурия полициясининг экстремизмга қарши кураш стратегиясига умумий нуқтаи сайт мунтазам равишда қандай қилиш ҳақида аниқ маълумотларни тақдим этади маҳаллий аҳолига аъзо бўлган индивидуал фуқаролар жамоалар полицияга терроризм ва экстремизм таҳдидларини бартараф этишда ёрдам бериши мумкин⁴.

Бундан ташқари экстремистик ва террористик мафкурага қарши кураш дастурлари кўплаб хорижий мамлакатларда, жумладан, Исроил, Италия, Испания, Шветсия, Туркия, Саудия Арабистони ва бошқаларда амалга оширилмоқда. Тўпланган тажриба, таъминловчи компаниялар иштирокида яратиш самарадорлигини кўрсатади, глобал тармоқдаги хизматлар, кузатув кенгашлари ва зудлик билан олиш ҳуқуқига эга бўлган “иссиқ линиялар” экстремистик ва террористик материалларни интернетдан олиб ташлаш.

Автоматлаштирилган технологиялар террористик таркибни, шу жумладан дастурларни тезда аниқлаш ва йўқ қилишга ёрдам берадиган машҳурлик касб этмоқда⁵ Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли қарорида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланганлиги ҳамда қуйидаги тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади:

⁴ Гаужаева, В.А. Особенности профилактики терроризма органами внутренних дел / В.А. Гаужаева, А.М. Шамаев. // Материалы Международной научно-практической конференции. Под общей редакцией В.А. Сосова. 2017. – С. 147-153.

⁵ Проблемы противодействия экстремизму в сети Интернет [Электронный ресурс]. URL: http://ncpti.su/articles/?ELEMENT_ID=1396 (дата обр.: 20.08.2018г.).

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

- махсус телекўрсатув ва радио эшиттиришларда давлат ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шароитлари, жиноятларни фош этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ҳамда бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш каби тадбирларни амалга оширилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз Президенти бошчилигида Ўзбекистонни дунёдаги юксак тараққий этган давлатлар сафига кўтариш, чинакам инсонпарвар демократик жамият барпо этиш бўйича бир қатор ислоҳотлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилмоқда.

Улардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек бугунги кунда бозор иктисодиётига ўтилатган бир шароитда давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатдан кўзланган мақсадларга эришиш самарадорлигини ошириш ҳамда бу сиёсий жараёнларнинг изчиллигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда мамлакатимизда адолатли, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Бу мақсаддан келиб чиқиб, бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилиши лозим булган энг асосий, долзарб вазифалардан бири - бу мамлакатимиз ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашдир.

Экстремизмга қарши курашишда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш жамият аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг маънавий ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилашда, уларни қонунларга риоя этиш ва унга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки маънавиятга эга бўлган инсон ҳеч қачон ёмон иш қилмайди, нега деганда инсонни инсон қиладиган, тўғри йўлга бошлайдиган, унинг онги ва руҳиятини тозалайдиган улуғ нарса бу маънавиятдир.